



**“ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: АЗАЛИЙ ДЎСТЛИКДАН
УМУМИЙ КЕЛАЖАК САРИ”**

Аллабергенов Умидбек Реимбаевич

*Тўрткўл туман мактабгача ва
мактаб таълим бўлими бошлиғи*

Марказий Осиё юрагида, Амударёнинг соҳилида қадимдан ёнма-ён яшаб келаётган икки биродар халқ – ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг тақдири узвий боғланган.

Уларни тарих, маданият, қадриятлар ва энг муҳими, чин дўстлик ришталари бирлаштириб туради. Бугун бу дўстлик янги мазмун касб этмоқда. Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари сингари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳам тараққиёт йўлидан дадил бормоқда. Бунинг ёрқин намунасини Тахиатош туманида кўриш мумкин.

Дунёда турли миллат ва элатлар мавжуд. Ҳар бир миллатнинг ўз маданияти, урф-одати, тили ва тарихий мероси бор. Бир жамиятда турли халқ ва миллат вакиллари биргаликда тинч-тотув ҳаёт кечириб, ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва биродарлик асосида яшаса, у жамиятда барқарорлик, тараққиёт ва фаровонлик таъминланади. Шу нуқтаи назардан, халқлар дўстлиги ҳар қандай давлат ва жамиятнинг муҳим пойдеворларидан бири ҳисобланади.

Халқлар ўртасидаги дўстлик — бу фақатгина тинчликда яшаш эмас, балки умумий мақсадлар сари биргаликда ҳаракат қилиш, билим ва тажриба алмашиш, маданий қадриятларни ўзаро бойитиш демакдир. Бу дўстлик инсонпарварлик, бағрикенглик ва адолат каби юксак қадриятларга асосланади.

Айниқса, кўп миллатли Ўзбекистонда халқлар дўстлиги ғояси катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшамоқда. Улар давлат раўнақига ўз хиссасини қўшмоқда, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида яшамоқда. Конституциямизда ҳам барча миллат ва элатларнинг ҳуқуқлари тенглиги кафолатланган.

Шунингдек, турли миллат вакилларининг маданий марказлари, жамоат бирлашмалари ва анъанавий байрамлари орқали уларнинг ўзаро дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкамланмоқда. Бу эса давлатимизда юз бераётган ислоҳотлар ва тараққиёт жараёнларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Халқлар дўстлиги бу — битта овозда куйланган турли халқларнинг кўшиғи. Бу кўшиқда ўзбек найи билан қозоқ домбраси, рус балалайкаси билан тожик рубоби, корейс чангу билан татар қобизи бирлашади. Ушбу мусиқий ҳамоҳанглик фақатгина санъат эмас, балки ҳаётнинг ўзида ҳам ўз аксини топтомоқда.

Тарих гувоҳ: қачонки халқлар бирдам бўлса, у халқларнинг руҳи енгилмас бўлган. Улар урушни тўхтатган, йўллар қурган, маданиятлар яратган. Аждодларимиз Шарқ ва Ғарб ўртасидаги Ипак йўлида фақат тижоратни эмас, балки дўстликни, билимни, маданиятни ҳам алмашишган. Буни Самарқанддаги Регистон майдонида



турли миллатларга мансуб ҳунармандлар ёки Бухородаги мадрасаларда таҳсил олган кўп миллатли талабалар тимсолида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда халқлар дўстлиги нафақат шиор, балки ҳаёт тарзига айланган. Мактабларда болалар ўз тилида таълим оляпти, маданий марказларда миллий байрамлар нишонланяпти, давлат идораларида турли миллат вакиллари елкама-елка меҳнат қилмоқда ва биргаликда иноқ яшамоқда

Халқлар дўстлиги тимсолини реал ҳаётда кўришни истасангиз, шунчаки Тахиатош туманига келинг. Амударё ёқасида жойлашган туман ўзида катта бир инсоний ғояни — турли миллатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни намоён этади.

Аҳолиси қариб 77 мингдан зиёд халқи бор Тахиатош — Қорақалпоғистон Республикасининг аҳолиси жуда хилма-хил туманларидан бири. Бу ерда ўзбеклар, қорақалпоқлар, руслар, қозоқлар, татарлар, корейслар, туркманлар ва бошқа миллат ва элат вакиллари бир жойда аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Улар нафақат бир маҳаллада яшаётган кўшнилари, балки турмушда бир-бирига суянган дўстлар, ўртоқлар, ҳамкасблар ва ҳамсафарлардир.

Туманда ҳар бир миллат ўз маданияти, тили, урф-одатлари билан эркин яшаши, ривожланиши учун шарт-шароит яратилган. Мактабларда турли тилдаги синфлар мавжуд, маданий марказларда турли миллатларга хос байрамлар нишонланади. Масалан, Наврўз, Қурбон ҳайити, Сабантой ёки руслар байрами — Масленицани биргаликда нишонлаш Тахиатошда анъанага айланган.

Бу ердаги аҳоли нафақат байрамларда, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳамжиҳат. Масалан, Тахиатош ИЭС (иссиқлик электр станцияси) каби стратегик объектларда турли миллат вакиллари елкама-елка меҳнат қилиб, мамлакат энергетика хавфсизлигига ҳисса қўшмоқда. Уларнинг ҳамкорлиги фақат иш жойида эмас, балки бир-бирининг туғилган кунида, тўйи ёки мотам маросимида ҳам давом этади.

Халқлар дўстлиги бу ерда рамзий эмас, амалдаги тушунча. Бирга ўтказиладиган умумий ҳашарлар, жамоат тадбирлари, мусобақалар ва маданий кечалар турли миллатларнинг қалбини янада яқинлаштиради.

Тахиатош — бу кичик бир дунё, лекин катта маънавий мактаб. Унда ҳар бир инсон бир бутун жамиятнинг ажралмас қисми сифатида кадрланади. Шу боис, бу туманда халқлар дўстлигида чексиз иноқлик, инсонпарварлик ва ўзаро ҳурмат асос қилиб олинган.

Тахиатош – Қорақалпоғистон Республикасининг енг муҳим туманларидан бири бўлиб, Амударё бўйида, Нукус шаҳридан атиги 20 км узоқликда жойлашган. У нафақат минтақанинг энергетика маркази, балки халқаро тотувлик ва барқарорлик рамзи сифтида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Тахиатош – бу ўзига хос “Халқлар дўстлиги маскани”. Бу ерда ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқлар, туркманлар ва бошқа миллат вакиллари ёнма-ён яшаб, меҳнат қиладилар. Ҳар бир оилада умумий қадриятлар кадрланади, кўшничилик

муносабатлари илиқ ва самимийдир. Туман аҳолиси “бир-биримизга суянчиқ бўлмасак, келажакка ета олмаймиз” деган тамойилга амал қилади.

Сўнгги йилларда Тахиатошда инфратузилма янгиланиб, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими ривожланди, янги ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Буларнинг барчаси маҳаллий аҳолининг турмуш фаровонлигини оширибгина қолмай, балки халқлар ўртасидаги бирдамликни ҳам янада мустаҳкамлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қорақалпоқ ва ўзбек халқлари ўзини бир бутун оиланинг ажралмас бўлаги сифатида кўради. Уларни келажакка бўлган ишонч, барқарорлик ва ривожланиш ғоялари бирлаштириб туради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқларининг азалий дўстлиги нафақат тарихий ҳақиқат, балки замонавий ҳаётда ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Тахиатош тумани бунга жонли далилдир: бу ерда халқлар дўстлиги фақат шиор эмас, балки кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмидир. Бу жараён, шубҳасиз, умумий келажакка ишонч ва ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдеворини яратмоқда.

1 нусхада чоп этилди

Электрон нусха 5 булимга

ЕМАТ хотирасидан йўқ қилинди

Ижрочи: Ҳайитов Б.Ҳ

02.09.2025 йил.

ИЛОВА



